Эртага — Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбалик

ҲАММА — МЕҲНАТ БАЙРАМИГА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 91 (5682).
19 АПРЕЛЬ 1985 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида 1985 йил 8 апрелда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган учрашувда саноат бирлашмалари ва корхоналарининг, колхозлар ва совхозларнинг, ишлаб чиқариш бригадаларининг раҳбарлари, мутахассислар ва олимлар айтган таклифларни амалга ошириш борасидаги тадбирларни кўриб чиқиб, тасдиқлади.

Сиёсий бюро мажлисида қайд этиб ўтилганидек, ана шу учрашув вақтида олға сурилган таклифлар мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришни интенсивлашни жадаллаштириш, хўжалик механизми ва бошқарувни такомиллаштириш, меҳнат коллективларининг активлиги ва ташаббускорлигини кучайтириш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Сиёсий бюро СССР Госпланига, СССР Госснабига, СССР Молия министрлигига, бошқа министрликлар ва идораларга учрашувда киритилган таклифларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиб, уларни КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советига тақдим этишни топширди. Бунда планлаштиришни яхшилашга, унинг илмий жиҳатдан асосланишини оширишга, корхоналар учун тасдиқланадиган план кўрсаткичлари, шунингдек улардан талаб қилинадиган ҳисоботлар миқдорини камайтиришга алоҳида эътибор берилади. Хўжалик механизмини фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга қаратишни кучайтириш биринчи даражали вазифадир. Меҳнат коллективларини иқтисодий рағбатлантиришни, меҳнаткашларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни такомиллаштириш, аввало, хўжалик ҳисоби принципларини асосида меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаларини ривожлантириш мана шунга қаратилиши лозим. Жумладан, агросаноат комплексини бошқаришда илғор ташкилий структураларни жорий этиш, саноатда илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил қилиш борасидаги ишларни кучайтириш зарур деб топилди.

Сиёсий бюро Қора металлургия министрлигининг ташкилотлари халқ хўжалигига металл маҳсулот етказиб беришда қолоқликка йўл қўйганлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, СССР қора металлургия министри И. П. Казанец билан Украина ССР қора металлургия министри Д. П. Галкинни қаттиқ огоҳлантирди ва улардан ўз идораларига бўйсунувчи корхоналарнинг ишида жиддий бурилишни, беш йиллик тугалловчи йилининг план топшириқларини сўзсиз бажарилишини таъминлашни талаб қилди. СССР Госплани ва Госснабининг, Темир йўллар министрлиги, Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг, бошқа министрликлар ва идораларнинг раҳбарларига халқ хўжалигининг ана шу ғоят муҳим тармоғига эътиборни кучайтириш, зарур материалларни планда кўрсатилганидек аниқ-пухта етказиб бериш, корхоналарни энергия билан узлуксиз таъминлаш, хом ашё ва металл маҳсулотни ўз вақтида ташиб бериш таклиф қилинди.

Нефть, газ саноати корхоналари ҳамда геологияразведка ташкилотларини техника билан қайта қуроллантиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорида ўн иккинчи беш йилликда ишлаб турган бир қанча корхоналарни реконструкциялаш, пармалаш ҳамда нефть конлари асбоб-ускуналарини, геофизик аппаратларнинг илғор турларини, қудуқ пармалаш ва нефть қазиб чиқариш учун мўлжалланган материалларни тайёрловчи янги қувватларни ишга тушириш, қувурлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш кўзда тутилади. Ишлаб чиқилган тадбирлар комплекси нефть, газ саноати корхоналари ҳамда геология ташкилотлари ишининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини анча яхшилаш имконини беради, СССР Энергетика программаси топшириқларини бажариш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиради.

1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда маҳаллий саноатни янада ривожлантириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарори қабул қилинди. Қарорда бу тармоқ аҳолининг талаб-эҳтиёжларини қондиришга талайгина ҳисса қўшаётганлиги қайд этиб ўтилади. Айниқса, юқори сифатли халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолининг миллий хусусиятларини ва табиий-иқлим турмуш шароитларини ҳисобга олиб, шундай молларнинг хилларини оширни борасидаги тадбирлар белгиланди. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига шу мақсадда маҳаллий хом ашёдан, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни чиқитларидан кенгроқ фойдаланишни таъминлаш, ишлаб турган қувватлардан фойдаланишни яхшилаш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш йўли билан уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш топширилди.

Сиёсий бюро Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бир қанча мамлакатлар ташкилотлари иштирокида Кривой-Рог оксидланган рудалар кон-саралаш комбинати қурилиши юзасидан СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан таклифларни кўриб чиқди ва маъқуллади.

Доимий яшаш учун қишлоқ жойларга кўчиб келаётган оилаларга уй-жойлар қуриш ва чорва моллар харид қилиш учун колхозлар, совхозларга, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларига бериладиган кредит миқдорлари тўғрисидаги таклифлар маъқулланди. Бу — қишлоқда кадрларнинг муқим яшаши учун яхши шароит яратади, қишлоқ аҳоли пунктларини янада ободонлаштиришга кўмаклашади.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорида 1986—1990 йилларда Ереван шаҳрининг шаҳар хўжалигини ривожлантириш программаси кўзда тутилган. Бу программада уй-жой бинолари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, умумий таълим мактаблари, касалхоналар, поликлиникалар ҳамда шаҳар ва коммунал хўжалигининг бошқа объектлари қурилишини ва уларни фойдаланишга топширишни анча кўпайтириш мўлжалланади. Ишлаб чиқариш объектлари, иссиқлик магистрал шохобчалари қуриш, уларни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, шунингдек Арманистон ССР пойтахтининг ҳаво ва сув ҳавзалари булғанишининг олдини олиш тадбирлари белгиланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида давлат, хўжалик, социал-маданий қурилишга ҳамда Коммунистик партия билан Совет давлатининг ташқи сиёсий фаолиятига оид бошқа баъзи масалалар муҳокама қилинди.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

Москва шаҳри Пролетар райони меҳнаткашлари билан учрашуви

Бутун совет халқи каби пойтахт меҳнаткашлари ҳам беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини амалга ошириш устида зўр ғайрат билан ишламоқдалар, партиянинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга интилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг пойтахт Пролетар райони меҳнатчилари билан 16 ва 17 апрель кунлари бўлиб ўтган учрашуви вақтида москвaликлар шу ҳақда гапириб бердилар.

Индустриал Москванинг қоқ марказидаги шу районда кўпгина йирик саноат корхоналари жойлашган. Улар орасида ЗИЛ ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси — И. А. Лихачев номли автомобиль заводи, С. М. Киров номли «Динамо» электр машинасозлиги заводи, Москва кемасозлик ва кема ремонти заводи, 9-ТЭЦ, «Радуга» тикувчилик бирлашмаси ва бошқа кўпгина корхоналар, бирлашмалар, илмий-тадқиқот институтлари жойлашган, уларнинг маҳсулоти ва лойиҳалари бутун мамлакатга маълум.

КПСС Пролетар район комитети бюросининг аъзолари билан суҳбатда гап меҳнат коллективларини ишлаб чиқаришни интенсивлаш, маҳсулот сифатини ошириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга сафарбар қилишда партия ташкилотларининг ролини ошириш тўғрисида борди. Ўн биринчи беш йилликнинг социал-иқтисодий ривожланиш планлари бажарилишига катта эътибор берилди. Район меҳнат коллективлари партия ташкилоти раҳбарлигида ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар, фан-техника тараққиёти комплекс программасини амалга оширмоқдалар. Актуал социал проблемалар — уй-жой қурилишининг бориши, савдо ,транспорт, медицина корхоналари ва муассасаларининг фаолияти батафсил кўриб чиқилди. Истиқболларни муҳокама қилишда ички резервларга эътибор қаратилди, проблемаларни ҳал этишга комплекс ёндашиш тажрибасидан фойдаланишнинг муҳимлиги таъкидланди.

М. С. Горбачев И. А. Лихачев номли завод корпуслари ва цехларида бўлди, одамларнинг иш жойида улар билан суҳбатлашди, меҳнат ва турмуш шароитларини батафсил суриштирди. ЗИЛни ривожлантириш истиқболлари, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлиги ва автомобилларнинг сифати соҳасида дунёдаги энг яхши кўрсаткичларга етиб олиш зарурати масалалари муҳокама қилинди. Ёнилғини анчагина тежашни таъминлайдиган дизель двигателли автомашиналарнинг янги моделларини яратиш ва ишлаб чиқаришга катта эътибор берилди.

Автомобилсозлар кенг миқёсли реконструкция давомида коллектив ҳал этаётган проблемалар ҳақида гапириб бердилар. Суҳбатларнинг қатнашчилари ишлаб чиқаришни бошқариш ва хўжалик механизмини такомиллаштириш масалалари хусусида фикрлашиб олдилар.

ЗИЛ ишчилари, мутахассислари корхонанинг резервлари ҳақида, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришни бундан буён ҳам такомиллаштириш, маҳсулот етказиб берувчилар билан алоқаларни яхшилаш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Социалистик жамият қонунлари, маънавий ва моддий омиллар меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, қўнимсизликни қисқартиришга, ишга бепарво муносабатда бўлиш ҳолларига қарши самарали курашишга доимо қаратилган бўлиши керак. Жумладан, бир корхонадаги иш стажи учун ходимларга устама ҳақ жорий этиш таклиф қилинди. Бу таклиф меҳнат коллективларини барқарор қилишга, кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолишига, уларнинг малакаси сезиларли даражада ўсишига олиб келади.

Автомобиль йиғиш корпусида корхонанинг меҳнат коллективлари вакиллари билан учрашув бўлди. Сўзга чиққан кишилар меҳнатдаги активликни оширишга, Ватаннинг иқтисодий қудрати ва мудофаа қувватини мустаҳкамлашга, халқ хўжалигининг техника тараққиётига ,уни интенсив изга кўчиришни жадаллаштиришга қарор берганликларини билдирдилар.

М. С. Горбачев учрашув қатнашчиларига мурожаат этиб бундай деди: Ленин анъаналарига содиқ бўлиб келаётган партия доимо халқ билан маслаҳатлашиб туради. Ҳозир жамият олдида мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш соҳасида катта вазифалар турибди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот сифатини ошириш соҳасидаги кўч-ғайратларни кўпайтириш муҳимдир. Бу ишга меҳнат коллективлари катта ҳисса қўшишлари керак. Интенсивлаш проблемаларини ҳал этиш билан бирга корхоналар бир маромда ишлаши, технология, план ва меҳнат интизомига қатъий риоя этилиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш лозим. Техниканы кенг миқёсда модернизациялаш пайтида меҳнат унумдорлигида туб бурилишни таъминлайдиган ечимларни лойиҳаларга дадилроқ асос қилиб олиш зарур. М. С. Горбачев автозаводчиларни ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг иқтисодий омилларидан кенгроқ фойдаланишга, ижодий ташаббус кўрсатишга, энг муҳим техникавий ва ташкилий проблемаларни ҳал этишда мустақилликни ривожлантиришга чақирди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари партия, Совет давлати ўтказаётган тинчликсевар ташқи сиёсат йўли ҳақида гапириб берди. У автомобилсозларни яқинлашиб келаётган Биринчи Май байрами, Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Ғалабанинг 40 йиллиги билан самимий табриклади, уларга меҳнатда янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилади, барча совет кишилари қатори автомобилсозлар ҳам ленинча коммунистик шанбаликни зарбдорчасига нишонлайдилар, деб ишонч билдирди.

М. С. Горбачев районнинг гез ўсиб бораётган йирик уй-жой массиви — Нагатинони бориб кўрди. 514-мактабда муаллимлар билан бўлган суҳбатларда ўрта таълимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган баъзи амалий масалалар тилга олинди. Жумладан, гап янги ўқув программаларини тайёрлаш ҳақида, ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш тўғрисида, ўқув жараёнида компьютер техникасидан фойдаланиш ҳақида борди. Синфхоналарда ва ишлаб чиқариш устахоналарида болалар билан уларнинг ўқиши ,меҳнати ҳақида, келгусидаги касбларни танлаш тўғрисида гаплашилди.

Район универсамларидан бирида М. С. Горбачев савдо-сотиқнинг ташкил этилиши билан танишди. У харидорлар билан аҳолининг талаб-эҳтиёжлари қандай қондирилаётганлиги ҳақида суҳбатлашди ,харидорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисидаги таклифлар билан қизиқди.

53-шаҳар касалхонасини бориб кўриш пайтида медицина ходимларини ва беморларни тўлиқинлантираётган проблемалардан гап очилди. Даволаш муассасаларини замонавий техника ва дорилармонлар билан таъминлаш, врачларнинг, ўрта ва кичик медицина ходимларининг меҳнат ҳақи масалалари тилга олинди. Медицина хизматини ва беморларни парвариш қилишни яхшилаш имкониятлари ҳақида гапирилди.

Район билан танишиш вақтида қурувчи Тамара ва Главмосавтотранс ходими Вячеслав Никишинлар ёш оиласи Михаил Сергеевични меҳмонга таклиф қилди. Улар ўз квартирасини кўрсатдилар, ишлари, турмушлари ҳақида гапириб бердилар, келажак режаларини айтиб бердилар.

Пролетар районидаги учрашувларда М. С. Горбачев билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, шунингдек, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Л .А. Борисов, Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов, автомобиль саноати министри В. Н. Поляков, КПСС Пролетар район комитетининг биринчи секретари А. Ф. Корчагин, Пролетар район ижроия комитетининг раиси А. А. Никитин бирга бўлдилар.

(ТАСС).

тонгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 18 апрель куни Кремлда Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Корея Халқ Демократик Республикаси Маъмурий кенгаши Бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Ким Ен Намни қабул қилди.

● СССР Министрлар Совети қарор қилди:

Дам олиш кунлари 1985 йил 5 май якшанбадан 3 май жумага ва 12 май якшанбадан 10 май жумага кўчирилсин;

1985 йил 11 майни иш куни деб ҳисобласин.

Ишчи ва хизматчилар 1985 йил 11 майда фойдаланмаган дам олиш куни уларнинг ҳар йилги отпусқасига қўшилиб, отпуска кунлари учун қандай ҳақ тўланса, бу кун учун ҳам шу тартибда ҳақ тўланади.

Кадрлар билан ишлашни КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленуми талаблари даражасига кўтарайлик

ТАЛАБЧАНЛИКНИ КУЧАЙТИРИБ, ТАШАББУСКОРЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

Ленин район партия комитети пленумидан

Ўзбекистон Компартияси Ленин район Комитетининг пленумида «КПСС Марказий Комитетининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленумининг талаблари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш юзасидан район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масала кескин ва принципиал муҳокама этилди.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажара бориб, — деди ўз докладида Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Асепков, — район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари меҳнат ва ижтимоий ҳаётда маънавий-психологик иқлимни соғломлаштириш учун курашни янада кучайтириш, салбий кўринишларга барҳам бериш, коммунистик ахлоқ норма ва принципларига риоя қилиш бўйича курашни янада кучайтириш юзасидан иш олиб борди.

XVI пленумдан кейин ўтган вақт ичида партия ҳаёти ва коммунистик ахлоқ нормаларини бузганлиги, ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйганлиги учун 77 коммунист партиявий жавобгарликка тортилди. Район комитети, бошланғич партия ташкилотлари кадрлар номенклатурасини тартибга келтирдилар. Кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашни яхшилаш бўйича муайян ишларни олиб бордилар.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX, область партия комитетининг VIII ва шаҳар партия комитетларининг X пленумларида ҳақконий таъкидлаб ўтилганидек, район экономикасини ривожлантириш борасида очиб ташланган нуқсонларга барча партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳам қатъият билан барҳам беряпти, партия давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун, турли хил салбий кўринишларга барҳам бериш учун қатъий ва муросасиз кураш олиб боряпти, деб бўлмайди.

Докладчи ва сўзга чиққанлар беш йилликнинг ўсиш суръатлари бўйича берилган топшириқлардан ортда қолаётган корхоналар ишини танқид қилдилар. Электрон-техника заводи, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, каноп фабрикаси ва бошқа бир қатор корхоналарда бу қолоқликка барҳам бериш юзасидан етарлича тадбирлар кўрилмаётир. Транспорт ишида тубдан ўзгариш рўй берганича йўқ. Биринчи квартал якунларига кўра Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент бўлими кўпчилик кўрсаткичларни уддалай олмади. Ўзбекистон ССР граждан авиацияси бошқармаси ҳам планни уддаламади. Шаҳар пассажир транспорти ишига шикоятлар сони камаймаяпти,

Пленумда шу нарса кўрсатиб ўтилдики, кўпчилик корхона ва ташкилотлар ишида йўл қўйилган нуқсонлар шундан далолат бериб турибдики, барча партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари салбий кўринишларга барҳам бериш бўйича қатъият билан иш олиб боришяпти, деб бўлмайди. План топшириқларини бажармаётган партиявий этика ва ахлоқ нормаларидан четга чиқаётган кишиларга нисбатан кўнгилчанлик қилинмоқда.

Фақат 1984—1985 йилдагина «Райпишчеторг» директори Б. Самойлов ва торг директорининг уч ўринбосари вазифасидан четлаштирилди. В. Пишкининнг «Средазтранссторй» трестининг бошқарувчиси қилиб тайинланиши кадрларни нотўғри танлашнинг яққол мисоли бўла олади. У бу лавозимда бир йил ҳам ишламади.

Докладчи ва сўзга чиққанлар шуни таъкидлаб ўтишдики, районда хотин-қизларни раҳбарлик ишларига ҳамон қатъият билан кўтармаётирлар. «Ташкультторг», шаҳар телефон тармоғи ва бошқа ташкилотларда бу иш ўта сусткашлик билан олиб борилмоқда. Масалан, шаҳар телефон тармоғида ишлаётганларнинг 50 процентини хотин-қизлар ташкил этса-да уларнинг бор-йўғи 8 проценти раҳбарлик ишидадир, холос.

Пленум шуни яна бир бор эслатдики, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича ишлар барча бошланғич партия ташкилотлари, ҳар бир коллектив ишига чуқур сингандагина кўзланган натижани бериш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон пойтахтининг барча районларида район партия комитетлари пленумлари бўлиб ўтди. Уларда КПСС Марказий Комитетининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми талаблари асосида кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисидаги актуал масала муҳокама этилди. КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари марти (1985 йил) Пленумида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачов нутқида кадрлар тўғрисидаги масалага катта аҳамият берилди.

Бугунги кунда кадрларга талабчанлик билан амалий ёндошиш масалалари биринчи ўринга қўйиляпти. Партия кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга энг муҳим иш сифатида қарамоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида бу масалада республикада мавжуд бўлган жиддий нуқсонлар партиявий муросасизлик, ростгўйлик билан очиб ташланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми эса бу масалани янги даражага кўтарди.

Пленумда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ҳозирги босқичда кадрлар снёсатн масалалари, раҳбарларга, барча коммунистларга топширилган иш учун талабчанликни кучайтириш борасида КПСС Марказий Комитетининг принципиал кўрсатмаларн меҳнат ва ижтимоий ҳаётдаги маънавий психологик иқлимни соғломлаштириш, социал адолатга ҳеч сўзсиз риоя қилиш учун изчил курашни кенг тус олдираётган республика партия ташкилотига бутунлай ва тўла-тўкис тааллуқлидир. Шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, район партия комитетларининг пленумлари қарорларида интизомни мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг меҳнат ва социал активлигини ошириш энг муҳим вазифалар сифатида қайд этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми, Тошкент область партия комитетининг VIII пленуми, Тошкент шаҳар партия комитетининг X пленуми йўлнин давом эттириб, район партия комитетларининг пленумлари ҳар бир меҳнат коллективида, ҳар бир иш жойнда тартиб ва интизомни йўлга қўйиш бўйнча партия ташкилотларнни катта ишга даъват этдилар. Бу айниқса ҳозирги пайтда, КПСС XXVII съезди, Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг тус олган бир вазиятда жуда муҳимдир.

Район партия комитетларининг пленумларида кадрлар билан олиб борилаётган ишлар ҳар томонлама таҳлил этилди, мавжуд нуқсонлар очиб ташланди, раҳбарлик бурчини, коммунист бурчини унутиб қўйганларнинг эса номлари айтиб ўтилди.

Бугун газета район партия комитетларининг пленумларидан ҳисоботларни ёритишни бошлади.

Куйбишев район партия комитети пленумидан

Куйбишев район партия комитети пленумининг барча иши КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми қарорлари, кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш тўғрисидаги чуқур партиявий ғамхўрлик руҳида ўтди.

— Март пленумида сўзлаган нутқида ўртоқ М. С. Горбачев шуни алоҳида таъкидладики, коммунистлар гражданлик бурчини бажаришнинг, виждонан меҳнат қилишнинг намунаси бўлишлари, ленинча иш услубини қарор топтиришлари зарур, —деди ўз докладида Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитетининг биринчи секретари Н. И. Емельянов. —Биринчи навбатда бу гап партия ва давлат раҳбарларига тааллуқлидир. КПСС талабчанликни кучайтириш, топширилган иш учун масъулиятни ошириш йўлини изчиллик билан ўтказаверади. Бу фикр Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми ишининг асосий моҳияти ва мазмунини ташкил этди.

ТОШКЕНТ — ФРОНТГА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги партия тарихи институти «Шаҳар партия ташкилотининг Улуғ Ватан урушн даврида фронт эҳтиёжларини таъминлаш бўйнча фаолияти» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказдилар.

Конференцияда Ленин район партия ташкилотининг меҳнаткашларнн фронт орқасида жонбозлик кўрсатиб ишлашга сафарбар этиш бўйнча ташкилотчилик ва снёсий ишн тўғрисида, В. П. Чкалов номли авиацня ишлаб чиқарнш бирлашмасида мудофаа маҳсулотн ишлаб чиқарншнн таъминлаш бўйнча партиявий иш тажрибаси тўғрисида ва бошқа докладлар тннглавди.

Район партия комитети пленумга тайёрланар экан, Ўзбекистон Фанлар академияси экономика институти билан биргаликда бир қатор раҳбар ходимлар составини социологик тадқиқ қилди.

Ишчан, ғоявий эътиқодли, юксак ахлоқли ходимларни қандай ва қаердан излаш, қандай тайёрлаш, ўстириб-ундириб, тарбиялаш масалалари борасида пленум қатнашчилари яна ва яна ленинча талабларга мурожаат қилдилар. Ходимларни ишчанлик ва снёсий фазилатларига қараб танлаш, уларни амалий фаолиятда текшириб кўриш, оддий вазифалардан тобора мураккаброқ вазифалар сари олға бориш керак.

Пленум шуни таъкидладики, барча партия ташкилотлари ҳали экономикага раҳбарлик услубларини тўла қайта кўриб чиққанларича йўқ, бепарволик ва лоқайдликка барҳам берганларича йўқ.

Ўтган йили Тошкент экскаватор заводи бир қатор муҳим кўрсаткичларни бажармади. Бу асосан кўпгина участкаларда ишнинг кўзини яхши билмайдиган, ҳатто айрим виждонсиз кишилар иш олиб боргани билан изоҳланади. Корхона раҳбарлари ишни силлиқ қилиб кўрсатиш мақсадида қўшиб ёзишга йўл қўйганлар. Завод директори А. Маҳмудов ва бош инженери А. Пирогов партия сафидан ўчирилди ва ишдан бўшатилди. Корхона партия комитетининг ҳозирги юксак талаблар даражасида эмаслиги аён бўлди. Ҳозирги пайтда заводнинг ҳал қилувчи участкалари кадрлар билан мустаҳкамланяпти, завод план кўрсаткичларини бажариш сари бормоқда.

Пленум қатнашчилари районда интизомни мустаҳкамлаш бўйича кўрилаётган тадбирларни вақтинчалик бир мавсумий иш, деб баҳолашга, ўз фаолиятсизлигини ниқоблашга, янгича шароитларга мослашиб олишга уринаётганларга жиддий талаблар қўйдилар.

«Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материаллари муҳокамасидан тегишли хулосалар чиқармади. Бирлашма раҳбарларида ўзлари йўл қўйётган оширнб ёзишларни тан олишга қатъият етишмади. Буларнинг ҳаммаси эса кейинчалик область халқ контроли комитети томонидан очиб ташланди. Маълум бўлишича, бу ерда талон-тарож,турли хил ўғирликлар, алдаш, хом-ашёни яширишлар одатий ҳолга айланиб қолган. Бош директор С. Тетушкин ўз атрофига ҳамтовоқларни тўплаб олиб, турли қинғирликларга йўл очиб берган. Буларнинг ҳаммаси, дейишди район партия комитетининг аъзолари, район партия комитети тегишли бўлимларини сергакликка чорлаши ва бирлашма коммунистлари ҳам буни жиддий ўйлаб кўришлари зарур.

(Давоми 2-бетда).

Кадрлар билан ишлашни КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленуми талаблари даражасига кўтарайлик

ТАЛАБЧАНЛИКНИ КУЧАЙТИРИБ, ТАШАББУСКОРЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

Ленин район партия комитети пленумидан

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кадрлар масъулиятини ошира бориб, улар нотўғри ҳатти-ҳаракатларга йўл қўяётган манфаатдор шахсларни дадил тўғри йўлга солиб қўйишлари керак. Аммо ҳамиша ҳам бундай бўлмаяпти, фақат 1984 йил ва шу йилнинг биринчи кварталидагина район партия комитети бюроси бошланғич партия ташкилотларининг 17 та қарорини либераллиги ва принципсизлиги учун бекор қилди. Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси партия комитетининг субутсиз қарорини оғишмай амалга оширишни талаб этди.

М. Одесский бошчилик қилаётган «Стройдеталь» трестининг партия ташкилоти ҳам мана шунақа келишувчиликка мубтало бўлган. Коммунистлар бир йилдан ошдики, трест бошқарувчиси А. Баратовни партия учетига қўйдиришда қуруқ гапдан нарига ўтолмаяпти. Пленум қатнашчилари шунча гапсўзлардан кейин А. Баратовнинг трестга раҳбарлик қилишга маънавий ҳаққи борми ўзи, деб сўрадилар.

Пленум қатнашчилари хизмат вазифасининг суиистеъмол қилиш фактларини келтириб ўтдилар. Масалан, физкультура институтининг илмий ишлар бўйича проректори К. Тен қонунни четлаб ўтиб, 100 квадрат метрдан зиёд майдондаги квартирани олди. Электротехника заводи бош директорининг ўринбосари С. Монамс барча нормаларни бузиб, дала ҳовлида уй қуриб олди. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари партия аҳлоқи нормаларидан четга чиқишнинг ҳар битта ҳодисасига принципиал партиявий баҳо беришлари зарур.

Пленум қарор қабул қилди. Унда нуқсонларга барҳам бериш, кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштиришнинг конкрет йўллари белгилаб берилди. Бу эса давлат, меҳнат, партия интизомини мустаҳкамлашга, хўжасизлик ва салбий ҳолатларга қарши курашни кучайтиришга қаратилган партиянинг принципиал йўлини ҳаётга муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

Пленум ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин қатнашди ва нутқ сўзлади.

Куйбишев район партия комитети пленумидан

(Давоми. Боши 1-бетда).

Докладда ва нотиқларнинг сўзларида коммунистларнинг маънавий қиёфаси, раҳбарларнинг шахсий камтарлиги ҳақида кўп гапирилди. Маълумки, Тошкент область партия комитети томонидан Тошкент шаҳрида турар жойларни тақсимлаш бўйича белгиланган тартибни бузиш ҳоллари очиб ташланганди. Бу ерда айрим раҳбар ходимларнинг каттаоғиз талабларини қондириш, улар учун алоҳида шарт-шароитлар яратиб бериш борасида қонунни бузишларга йўл қўйилди. Масалан, ядро физикаси институти директорининг ўринбосари М. Усмоновага уч кишилик оиласи учун 46 квадрат метрлик коттежи бўла туриб, яна 73 квадрат метрлик хусусий ҳовли ажратилди. Тошкент олий партия мактабининг кафедра мудири В. Гулиннинг уйи қонунни бузган ҳолда кенг ҳажмдаги уйга алмаштирилган. Республика «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг раиси В. Афанасьев қонунсиз йўл билан квартира олишга муваффақ бўлган.

Пленум номлари тилга олиб ўтилган бу коммунистларга нисбатан партия ташкилотларининг либераллигига танқидий баҳо берди. Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, қонун бузувчиларга нисбатан муросасозлик, субутсизлик кадрларни тарбиялаш ишига тузатиб бўлмас даражада зарар келтиради, интизомни бузади, кишиларнинг социал адолат тантанасига бўлган ишончига раҳна солади.

Шу муносабат билан пленум қатнашчилари районда ўтказилаётган партия ташкилотларининг жанговарлиги кўригига катта эътибор беришди. Бунда комиссия аъзолари ҳар бир коммунист, жумладан раҳбарлар билан суҳбатлашмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш совети, «Кибернетика» бирлашмаси бошланғич партия ташкилотларида ўтказилган кўрикнинг дастлабки натижалари шуни кўрсатиб турибдики, бу — коммунистларни тарбиялашнинг самарали формасидир. Барча партия ташкилотлари ишнинг бу формасини қўллашлари керак.

Докладда ва нотиқларнинг сўзларида бир лавозимда ишни расво қилган раҳбарнинг бошқа лавозимга ўтказилишидек практика кескин танқид қилинди. Айрим раҳбарларнинг бошланғич партия ташкилотларини четлаб ўтиб партиявий жавобгарликка тортилаётганига кўпгина мисоллар келтирилди. Протекционизм, уруғ-аймоқчилик сингари шармандали ҳолларга ҳали тўла тўкис барҳам берилган эмас. Шундай бир мисол келтирилди: электр-механика техникумининг собиқ директори А. Махмудов техникумда уруғ-аймоқчиликни авж олдириб юборгани учун ишдан четлаштирилди.

Район партия комитетининг аъзолари кадрларни танлаш ҳақида сўз юритиб, янада таъсирчанроқ чоралар кўришни таклиф этишди. Токи раҳбар кадрлар составида районда ишлаётганларнинг миллий состави имкони борича тўлароқ ҳисобга олинсин ва акс этсин, ҳар бир раҳбарлик звеносида меҳнаткашлар миллий состави сезилиб турсин.

Пленумда атеистик тарбия тўғрисидаги масала айниқса кескин қўйилди. Яқин вақтларгача ҳам унга етарлича эътибор берилгани йўқ. Бу эса шунга олиб келдики, чунончи 6-таксопаркда кўпгина ходимлар диний маросимларда қатнашмоқдалар. Район партия комитети бу фактга принципиал баҳо берди. Таксопарк директори А. Қосимов ва партия ташкилоти секретари Б. Обухов қаттиқ партиявий жавобгарликка тортилди.

Шу билан бирга, деб таъкидланди пленумда, бир қатор партия ташкилотлари диний маросимларда қатнашаётган коммунистларга нисбатан юмшоқ кўнгиллилик қилмоқдалар, муросасозлик йўлини тутмоқдалар.

Пленум район партия ташкилотида кадрлар билан ишлашни чуқур таҳлил этди, қилиқан барча ишларни ҳозирги талаблар билан таққослади, уни тўбдан яхшилаш йўлларини белгилади. Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум ишида шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси, шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсандов қатнашди ва сўзга чиқди.

Акмал Икромов район партия комитети пленумидан

Акмал Икромов район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш практикаси тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми асосида принципиал ва муфассал гап борди.

— КПСС Марказий Комитети, — деб таъкидлади докладчи, район партия комитетининг биринчи секретари Х. К. Камолов, — жамият барча соҳаларида чуқур сифат ўзгаришлари қилиш зарурияти етилган бир шароитда кадрлар билан ишлашни шунчаки яхшилаш ҳақида эмас, балки ҳозирги босқичда кадрлар сиёсати тўғрисидаги масалани қўймоқда. Бу эса ҳозирги шароитларга мувофиқ суратда кадрларни танлаш, таълим бериш, ишга кўтариш, улар фаолияти устидан назорат қилишнинг бутун системасини ўзгартириш демакдир.

Докладчи ҳам, сўзга чиққанлар ҳам шуни қайд этиб ўтишдики, жойларда тартибни янада йўлга қўйиш, ҳаётимизни салбий ҳолатлардан тозалаш юзасидан қатъий чоралар халқ томонидан маъқулланмоқда, бундан буён ҳам шундай қатъий чоралар кўрилаверади.

Район партия ташкилотида ҳозирги вазифалар асосида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни ҳақиқий интизом ва топширилган иш учун масъулият руҳида тарбиялаш бўйича муайян ишлар олиб бориляпти.

Раҳбарларнинг ҳисоботларини партия комитетларининг мажлисларида ва партия йиғилишларида тинглаш тобора кенг ёйиляпти.

Ягона сиёсий кунлар, очиқ хатлар кунлари, раҳбарларнинг меҳнаткашлар ва аҳоли билан учрашувлари мунтазам ўтказилмоқда. Кадрлар муайян партиявий-сиёсий жиҳатдан тайёргарликдан ўтаяпти, уларнинг ғоявий-сиёсий савияси ошириляпти.

Бугунги кунда Акмал Икромовликлар 12-қурилиш трести бригадирлари Т. Самиғов ва Й. Шобилолов, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадири С. Маламуд, «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадири Н. Бухашева ва бошқаларнинг номларини нафтихор билан тилга олмоқдалар. Улар ёшларнинг тарбиячилари, актив мураббийлар ҳисобланадилар.

Айни пайтда, пленум қатнашчилари партия бугун олдимизга қўяётган мураккаб ва кўпқиррали вазифалар билан ҳозирги ишларни таққослаб, район партия ташкилоти олдида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларга тўхталиб шуни очиқ айтишдики, район партия ташкилотида кадрлар ишида ҳали кўпгина нуқсонлар, етишмовчиликлар, хато ва камчиликлар бор. Булар оқибатида бир қатор салбий ҳолатлар рўй берди. Бу эса бўш иш олиб борилгани, баъзан эса раҳбар ходимларнинг номақбул ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқдир.

Фақат кейинги йилнинг ўзидагина «Узавтострой» трестига қарашли РСМНУ собиқ бошлиғи Авакян, 8-ЖЭУнинг собиқ бошлиғи Маметова, 56-ЖЭУнинг собиқ бошлиғи Мирзаев, рус тили ва адабиёти институтининг собиқ проректори Умуровлар вазифасини суиистеъмол қилгани учун КПСС сафидан ўчирилиб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Булка-кондитер комбинатининг директори Аббосова қўшиб ёзгани учун партиявий жазо олди ва директорлик лавозимидан олиб ташланди. ГСХКТБ бошлиғи Ризаев, 24-ЖЭУ бошлиғи Ковтунова, 18-автопарк директори Рустамов, «Тез медицина ёрдами» автобазаси директори Умаров, «Фарҳод» ярмаркаси директори Собиров, 12-трест партия комитетининг секретари Акишин, район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Обидхонов ва районнинг бошқа бир қатор раҳбар ходимлари ўзларига топширилган иш соҳасида раҳбарликни эплай олмаганлиги учун вазифасидан бўшатилди.

Сўзга чиққанлар шуни таъкидлашдики, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги, бир қатор раҳбарларнинг меҳнатига баҳо беришдаги, уларни ғоявий-сиёсий тарбиялашдаги нуқсонлар меҳнат коллективлари ва умуман районнинг иш натижаларига салбий таъсир кўрсатмоқда. «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси (бош директори Ю. Жабборова), сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси (бош директори Ш. Мусаев), ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш ва хизмат кўрсатиш заводи (директори А. Тер-Погосян), заргарлик заводи (директори А. Каримов) социалистик мажбуриятларни уддалай олмаяпти.

Хизмат кўрсатиш корхоналари ва муассасалари ишида, деб таъкидлашди сўзга чиққанлар, жиддий нуқсонлар давом этиб келмоқда. Бу ҳам кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишидаги нуқсонлар билан боғлиқдир. Пленумда район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосарлари Ғ. Рафиқов, Т. Мақсудов, З. Усмоновлар бу масалалар юзасидан янада конкрет ва муфассал шуғулланишлари зарурлиги таъкидлаб ўтилди, чунки улар ҳали идораларга қарашли хизматлар иши устидан таъсирчан назоратни ташкил этганларича йўқ.

Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларидаги раҳбар ходимлар ишига боғлиқ бўлган кўпгина ҳал этилмаган муаммо ва масалалар бор.

Район ички ишлар бўлимида кадрлар билан ишлашда жиддий нуқсонлар мавжуддир. Афсуски, бу ерда хизмат вазифасига номуносиб иш юритиш, суиистеъмол қилиш, уни бажаришга ҳалол муносабатда бўлмаслик, аҳлоқсизлик ҳоллари ҳамон ҳам бор. Бу борада, энг аввало, бўлим раҳбарлари А. Ҳасанов ва М. Отбосаровлар айбдордир. Бироқ кадрларни тарбиялаш ишида бу ердаги бошланғич партия ташкилоти (К. Мирзажонов) етарлича жанговарлик кўрсатмаяпти.

Район партия комитетининг пленуми қабул қилган қарорда кадрлар билан ишлашни яхшилаш бўйича конкрет тадбирлар белгилаб берилди.

Пленум қатнашчилари шунга ишонч билдиришдики, район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари танқиддан тўғри хулосалар чиқариб олишади, юқори партия органларининг қарорларини шак-шубҳасиз бажаришни таъминлашади, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олишади.

Пленум ишида шаҳар партия комитетининг секретари С. М. Юсупов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Собир Раҳимов район партия комитети пленумидан

Коммунистик партия ўз тарихининг барча босқичларида партиявий раҳбарлик услубини яхшилаш, кадрлар сиёсатини такомиллаштириш бўйича олиб борилган ишларга партия, совет ва хўжалик ташкилотлари фаолиятининг муҳим звеноси сифатида қараб келмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин ўтган вақт ичида Собир Раҳимов районида меҳнат ва ижтимоий ҳаётдаги маънавий психологик иқлимни соғломлаштириш, социал адолат принципларига ҳеч сўзсиз риоя этиш, коммунистик ахлоқ норма ва принципларидан чекиниш ва уни қўпол суръатда бузиш ҳолларига, салбий ҳолатларга барҳам бериш учун кураш кучайтирилди. Пленумда ана шу ҳақда амалий сўз юритилди.

Район партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Ҳожимуротов ва музокарада сўзга чиққан В. И. Ленин номидаги ТошДУ партия комитетининг секретари ўринбосари А. А. Абзалов, «Миконд» заводи фрезерчиси З. Г. Арсланграев, район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Ф. Крисин, район халқ контроли комитетининг раиси Н. Р. Раҳимбердиев ва бошқаларнинг сўзларида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, кейинги вақтда партия Уставини бузишга йўл қўйган, коммунист деган номга доғ туширган кўпгина раҳбарлар ишдан четлаштирилди. Улар орасида район комсомол комитетининг биринчи секретари Т. Умархўжаев (у КПСС сафидан ўчирилиб, эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилди), «Узкоопстроймонтаж» трестининг бошқарувчиси Р. Одилов, автобус паркининг директори У. Ражабов, «Ташгоркооторг» директори Т. Темникова, «Узгипросельхоз» институтининг директори Д. Ҳамдамовлар бор.

Кейинги вақтда район партия комитети кадрларининг номенклатураси тартибга келтирилди. Уларни тайёрлаш ва тарбиялашда партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг роли оширилмоқда. Кадрлар билан ишлашда қўйидаги демократик формалар практикага киритилди: раҳбарлик ишига кўтарилаётган номзод партия йиғилишларида, меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама этилмоқда. Уларда тавсия этилаётган киши характерининг у ёки бу қирралари, майллари, малакаси ҳақида рўй-рост ўз фикрларини билдирмоқдалар.

Партия кадрларининг составини мустаҳкамлаш борасида ҳам кўп ишлар қилиняпти. Ҳозир партия ташкилотлари секретарларининг деярли ҳаммаси олий маълумотлидир. 70 проценти эса олий техника маълумотига эга, учдан бир қисми марксизм-ленинизм университетини битирган, салкам ярми эса халқ хўжалиги мутахассисларидир.

Шу билан бирга, деб таъкидлашди пленум қатнашчилари, КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми коммунистлар ва меҳнат коллективлари олдига қўйган вазифалар кадрлар ишини янада такомиллаштиришни, кадрларни тарбиялаш масалаларига мунтазам эътибор беришни талаб этади.

Баъзи бошланғич партия ташкилотлари кадрлар ишидаги хато ва нуқсонларга муросасозлик билан муносабатда бўлишни давом эттиришяпти. 4-поликлиниканинг участка врачи Мирзакаримова, тара ремонти корхонасининг цех бошлиғи Я. Абдувалиев сингари коммунист-раҳбарларнинг шахсий ишларини кўриб чиқиш чоғида партия ташкилотлари партиявий қатъият кўрсатмади.

Партия ташкилотларида хўжалик раҳбарларининг фаолиятига баҳо беришда баъзан кескинлик, қатъият етишмаяпти. Масалан, «Узкоопстроймонтаж» трести бошланғич партия ташкилоти ишида шундай ҳол рўй берди. Бу трестнинг собиқ бошқарувчиси Р. Одилов хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, «ишлаб чиқариш илғори»га сотиш учун ГАЗ—24 енгил автомобилини ўзига олди, шахсий уйини созлади. Бунинг учун идорага қарашли ташкилотлардан қурилиш материалларининг бир қисмини олди. Ўзининг 50 йиллигини кенг нишонлади. Унда трест ходимлари қатнашишди. Партия бюроси ва унинг секретари О. Рихсихўжаев буни билар эди. Аммо лом-мим дейишгани йўқ. Ҳатто республика халқ контроли комитети барча бу фактларни очиб ташлагандан кейин ҳам муроса йўлини тутди, либераллик кўрсатди, йиғилишда унга фақатгина виговор берди, холос. Район партия комитетининг бюроси бу қарорни бекор қилди, Р. Одиловга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берди, эгаллаб турган вазифасидан четлаштирди.

Кадрларни тарбиялашда танқид ва ўз-ўзини танқид муҳим восита ҳисобланади. Бироқ, партиянинг бу муҳим қуролидан ҳали баъзи жойларда етарлича самарали фойдаланилмаяпти.

Докладда ва нотиқларнинг сўзларида район саноат корхоналари ва қурилишларида кадрлар билан ишлаш борасидаги ғамхўрлик руҳи сезилиб турди. Таҳлил шуни кўрсатдики, район саноат корхоналарида 187 цех бошлиғи ва уларнинг ўринбосарларидан бор-йўғи юз нафари ёки 53,4 проценти олий маълумотга эга. 683 мастердан 228 нафари тугалланмаган ўрта маълумотга эга.

Агрегат заводида етти цех бошлиғидан учтаси олий махсус маълумотга эга эмас. 71 мастердан 31 нафари махсус маълумотга эга эмас. Бу заводнинг бошланғич партия ташкилоти қобилиятли кишиларни пухта танлашга, уларнинг ўсиб-унишига эътибор ва ғамхўрлик билан қараш ўрнига кейинги уч — йил ичида мутахассислар етишмай турган бир шароитда олий махсус маълумотга эга бўлган 20 дан зиёд ёш коммунистни партия учётидан чиқарган. Уларнинг кўплари корхонада ишлашдан истиқболлари йўқлиги учун кетганликларини изоҳлаганлар.

Ҳунар-техника таълими ходимлари олдида мураккаб ва масъулиятли вазифалар турибди, деб таъкидланди пленумда, районнинг баъзи билим юртлари ишининг савияси ҳамон паст. Ҳунар-техника билим юртлари ҳамон ёшлар ўртасида етарлича обрў қозонолмаяпти. Билим юртлари билан корхоналар ўртасидаги алоқалар суст йўлга қўйиляпти. Билим юртларининг педагогик коллективлари бўлажак ишчиларда юксак ғоявий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш вазифасини кўнгилдагидек уддаламаяпти л а р. Ўқувчиларнинг касб танлаши бўйича ишлар қониқарсиз йўлга қўйилган. Мактаблар халқ хўжалиги эҳтиёжларига мувофиқ суратда ўқувчиларни билим юртларига чорлаш ишларини бўш олиб боряпти. Масалан, 1984 йилда район мактабларини битириб чиққан 2000 ўқувчидан бор-йўғи 216 нафарига ҳунар-техника билим юртларида ўқишни давом эттиряпти, холос.

Пленум қатнашчилари 6-қурилиш трести партия ташкилотининг коммунистларни ғоявий-ахлоқий, коммунистик эътиқод руҳида тарбиялаш борасида олиб бораётган ишидан жиддий ташвишга тушдилар. Шундай бир мисол келтирилди. Кимнингдир уйида ғоявий жиҳатдан зарарли фильмни кўриш учун ҳар бир кишидан 15 сўмдан пул тўплашган. Партия ташкилоти эса бунга аҳамиятсизлик билан қараган.

Нотиқлар якдиллик билан шуни таъкидлашдики, бошланғич партия ташкилотлари, уларнинг секретарлари масъулиятини ошириш зарур. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик кўриги бунда катта аҳамият касб этади. Унда ҳозирданоқ 48 та бошланғич партия ташкилоти иштирок этяпти.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ишида шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси, шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари В. Н. Колесников қатнашди ва сўзга чиқди.

Киров район партия комитети пленумидан

Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми талаблари асосида кадрлар билан ишлашни яхшилаш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни такомиллаштириш тўғрисидаги масалани ўз-ўзини танқид руҳида, принципиаллик билан муҳокама қилдилар.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленумининг раҳбар кадрлар билан ишлаш масалаларига доир кўрсатмалари район партия комитетининг, барча партия, жамоат ташкилотлари, район Совет ва хўжалик органлари фаолиятининг асосини ташкил этади, — деди ўз докладида Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг биринчи секретари Ш. Н. Маҳмудова.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, интизомни мустаҳкамлаш бўйича олиб борилган ишлар натижасида район саноати биринчи кварталда товар маҳсулоти ишлаб чиқариш планини 101,5 процент бажарди. Планга қўшимча 1 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди.

Пленум топширилган иш учун раҳбарлар масъулиятини ошириш бўйича тутилаётган йўлнинг қатъийлигини тасдиқлади. Фақат кейинги вақтнинг ўзидагина Киров район партия ташкилоти бошланғич партия ташкилотлари секретарларидан — Госпландан Ш. Зуфаров, НОТ Марказидан О. Буданцев ҳамда асбобсозлик заводи директори О. Тошматов, район Совети ижроия комитети квартира бўлимининг бошлиғи А. Ҳакимжонови қатъий партиявий жазолаб, эгаллаб турган лавозимларидан бўшатди.

Пленумда кондитер ва тамаки фабрикаларининг раҳбарлари ва партия ташкилотлари шу йилнинг уч ойи ичида истеъмолчиларга 1 миллион 717 минг сўмлик маҳсулотни кам берганликлари учун кескин танқид қилиндилар.

«Ўртоқ» фабрикасида давлат мулкини ўғирлаш, кўплаб қўшиб ёзиш ҳоллари мавжуд. Қонун бузилишларига йўл қўйганлиги учун директор М. Каримжонов, директор ўринбосарлари Аҳмаджонов ва Мирёқубов, бир қатор бўлимларнинг раҳбарлари қаттиқ партиявий жазо олди ва эгаллаб турган лавозимларидан четлаштирилди. Пленум қатнашчилари шуни таъкидлашдики, янги раҳбарлар вазиятни ҳали бир маромга келтиролганларича йўқ, коллективни план-топшириқларни бажаришга сафарбар эта олмаётирлар. Худди шундай ҳолни тамаки фабрикасида ҳам кўриш мумкин.

Маълумки, интизомни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришда тартиб ўрнатишга кун сайин эътибор берилаётган корхоналардагина тузукроқ натижаларга эришиш мумкин. Пленум қатнашчиларининг таъкидлашича, афсуски, бир қатор корхона ва қурилиш ташкилотларида, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа ташкилотларда интизомни мустаҳкамлаш масалаларига вақтинчалик мавсумий иш деб қаралган. Районнинг 25 та корхонасида ўтказилган рейд шуни кўрсатдики, 350 дан зиёд киши ишга беш минутдан 40 минутгача кечикиб келган.

Айрим партия ташкилотлари, деб таъкидланди докладда ва пленум қатнашчиларининг сўзларида, ўз ишларини ўта сусткашлик билан қайта қурмоқдалар, уларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари руҳи ҳали етиб бормаган кўринади. Чунки улар хўжасизлик ҳоллари билан муроса қилмоқдалар, қонун бузилишларига йўл қўяётган мансабдор шахсларни жавобгарликдан сақлаб қолишга уринмоқдалар.

Масалан, «Узгипротехбит» институтида планлаштиришдаги жиддий нуқсонлар очиб ташланди, бу ерда лойиҳа ишлари ҳажми ва қиймати ошириб кўрсатилган, шунингдек, бошқа қонун бузишларга йўл қўйилган. Республика халқ контроли комитети институт директори Р. Назаровга қаттиқ виговор берди ва унга икки ойлик маоши миқдорида жарима солди. Бошқа мансабдор шахслар ҳам жазоланди. Бироқ, А. Собирхонов секретарлик қилаётган партия ташкилоти бу воқеани кўрмагандек лом-лим демади.

Пленумда энг долзарб масалаларни бугунги кун руҳида жанговар ва принципиаллик билан муҳокама қилиб, ҳал этаётган партия ташкилотлари фаолиятидан ҳам мисоллар келтирилди.

Масалан, Алоқа министрлигининг партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросидаги ҳисоботдан тўғри хулоса чиқариб, коммунистлар, бутун аппарат, умуман тармоққа раҳбарлик ишларини яхшилашга қаратилган қатъий чоралар кўрди. Министр ўринбосари А. Тоғайлиевнинг фаолияти текширилди. Партиявий текширув ўтказилганда шу нарса аниқландики, у ўз фаолиятига тегишли бўлган бошқармаларга зарур раҳбарлик ва назорат қилишни эплай олмаган, оқибатда давлат фонд интизоми бузилган. Раҳбарлик лавозимларига номзод танлашда партия ташкилотини четлаб ўтишга уринган, раҳбарликнинг номақбул усулига мубтало бўлган.

Коммунистлар бўлиб ўтган йиғилишда КПСС аъзоси А. Тоғайлиевнинг ҳатти-ҳаракатларига принципиал баҳо бериб, унга қаттиқ виговор эълон қилишди.

Район партия комитети, деб таъкидлади докладчи, масалаларни ҳудди шундай ҳал этиши керак, яъни қанақа лавозимни эгаллаб турганидан қатъий назар партиявий принципиаллик кўрсатиши зарур. Айниқса, гап партия ташкилотининг обрўси, унинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш тўғрисида борганида шундай қилиш керак.

Пленумда таъкидланишича, ҳозир нуқсонлар дадиллик билан очиб ташланадиган бўлиб қолди. Коммунистлар раҳбарларнинг хато ва нуқсонлари тўғрисида янада рўй-рост гапирмоқдалар.

Масалан, автоматлашган бошқарув системасининг конструкторлик бюросида партия бюросининг секретари В. Ким директор С. Салимовнинг турли-туман фаолиятига очиқдан-очиқ хайрихоҳ йўл тутди. Иш шунгача бориб етгандики, директор собиқ бош инженер Д. Манъяковга характеристика берар экан, унинг ижобий фазилатларинигина кўрсатиб қўя қолди. Бироқ, бу собиқ бош инженер Ўзбекистон ССР Госпланининг бўлим бошлиғи этиб тайинланиши биланоқ уни қоралаш учун бисотидаги бор қора бўёқларни ишлатди. В. Ким эса ўз директори йўлини, хас-пўшлади.

Район партия комитетининг бюроси бу ишни кўриб чиқиб, КПСС аъзоси С. Салимовга қасддан нотўғри ахборот бергани, нокамтарлиги ва икки юзламачилиги учун учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берди. Директорнинг нуқсонларига нисбатан принципсиз муносабатда бўлгани учун партия ташкилотининг секретари В. Н. Кимга виговор берилди.

Пленум қатнашчилари кадрларни танлаш тўғрисида сўз юритганда, раҳбарларнинг сиёсий ва ахлоқий сифатларига талабчанликни ошириш тўғрисидаги масалани кўтардилар. Негаки, тегишлича текширилмаган кишиларни раҳбарлик ишларига тайинлаш ҳоллари ҳам рўй бермоқда.

5-туғруқхонада бўлиб ўтган воқеани кадрлар танлашдаги хатолик, контролнинг, Партия Уставини бажаришга бўлган талабчанликнинг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу ерда бош врач Д. Ортиқова юрист-консультант А. Имомбоева билан жинояткорона тил бириктирган. Ғаразли мақсадда, барча ахлоқ нормаларини оёқ ости қилиб, гражданлардан товламачилик билан пора олиб келган. Бунинг учун у жиноий жавобгарликка тортилди ва КПСС сафидан ўчирилди.

Нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленумининг ҳамма жойда тегишлича тартиб ўрнатиш, интизомни мустаҳкамлаш, ҳаётимизни ҳар қандай ёт кўринишлардан тозалаш бўйича қатъий чоралар кўриш зарурлиги тўғрисидаги талабларига мувофиқ суратда партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш лозимлиги ҳақида якдиллик билан сўз юритдилар.

Пленум кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Пленум ишида шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси, «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Н. Набиев қатнашди ва сўзга чиқди.

2 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

19 АПРЕЛЬ, 1985 й.

ИЧКИЛИК–УМР ЗАВОЛИ

• Ичкиликбозлик— иллат

• Май — шишадаги соғлиқ душмани

• Нафосатни емиради, ёшликни кемиради

• Мастлик—ақлдан озиш демакдир

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари- ҳаётга

Яқинда КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси мажлиси меҳнаткашларнинг марказий ва маҳаллий органларга келаётган кўпдан-кўп таклифларини ҳисобга олиб, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш тўғрисидаги масаланн ҳар томонлама муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитети мана шу хунук ҳолга барҳам беришни катта сиёсий аҳамиятга молик социал вазифа деб билиб, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш ҳамда бу ёмон иллатларни жамиятимиз ҳаётидан чиқариб ташлаш соҳасида йирик социал-сиёсий, иқтисодий, маъмурий, медицина тадбирлари ҳамда бошқа чора-тадбирлар комплексини маъқуллади. Ичкиликбозликка қарши кураш тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш, шу мақсадда давлат ва хўжалик органларининг, партия ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратларини бирлаштириш ҳамда уларни доимо мувофиқлаштириб бориш, алкоголизмга қарши пропагаданн кенг кўламда авж олдириш зарурлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Жамиятимиз учун ёт бўлган ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш тадбирлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленуми материалларида ҳам таъкидлаб ўтилди.

Ичкиликбозликнинг зарари, унинг замонамизга, турмуш тарзимизга ёт иллат эканлиги ҳақида редакциямизга кўплаб мактублар келиб турибди. Уларда алкоголизм оқибати туфайли содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳикоя қилинади. Ушбу саҳифа материаллари ана шу мавзуга бағишланган.

«Социалистик тузумнинг буюк инсонпарварлиги ва адолатпарварлиги барча салбий ҳодисаларни муросасизлик билан тугатишни талаб қилмоқда».

«Қуюқ зиёфатлар, баландпарвоз гаплар бизнинг ахлоқимизга бутунлай зид эканлигини тушуниб олиш зарур. Булар бизга мутлақо ёт бўлган манманлик, мақтанчоқлик ва бойвачаликни эслатади».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари материалларидан).

Донолар бисотидан

● Ичкилик инсон соғлигига фақат тананн заҳарлаши билангина путур етказиб кўя қолмайди, у ичкиликбоз одамни бошқа ҳар турли хасталикларга ҳам мойил қилиб қўяди.

Н. А. СЕМАШКО.

● Одамлар вабодан қўрқишади, аммо ичкилик ундан ҳам бешбаттар.

О. БАЛЬЗАК.

● Ичкиликбозлик уч тарихий мусибат: очлик, вабо ва урушдан ҳам кўра кўпроқ вайронгарчилик келтиради.

В. ГЛАДСТОН.

● Болалардаги нимжонлик ва касалмандликнинг сабаби ичкиликбозликдир.

ГИППОКРАТ.

● Шишада мен дақшатли манзарани кўраман, у шиша ичидаги нарсадан келиб чиқади: назаримда табиат музейидаги шишачада беўхшов чаёнлар, илонлар ва муртакларни кўриб турганга ўхшайман.

Г. ГЕЙНЕ.

● Ичкиликбозлик одамзод ихтиқболининг энг ашаддий душманидир.

А. ФОРЕЛЬ.

● Ичкиликбозлар ўз уруғ-аждодларига турли хил оғир хасталикларни инъом этиб қолдирадилар, улар ичидаги энг ёмони руҳий касалликдир.

В. Я. КАНЕЛЬ.

● Ичкиликбозлик бузуқлик анқиб турувчи қиморхонага, порахўрликка, хирсий бебошликка ва зўравонликка йўл кўрсатиб берувчи нурсиз нишондир.

Е. М. ЯРОСЛАВСКИЙ.

● Ичкиликбозлик ва жиноят ижтимоий ҳаётнинг бир-бири билан доимо узвий боғланган икки ҳодисасидир.

И. П. МЕРЖЕВСКИЙ.

● Ичкилик одамни қотил ва ўғриға айлантиради.

К. КОЛТОН.

Иззатингдан айрилма

ЖИНОЯТГА БОШЛАГАН ЎҚУ

Уч кун давом этган суд охирги нуқтасига етди. Залдагилар ҳам, жиноятчи ва унинг таниш-билишлари ҳам, хуллас ҳамманинг юраги така-пука. Қора курсида ўтирган 21 ёшли йигитнинг тақдири ва қилмиши қандай якунланаркин? Суд раисаси, сочларини силлиқ тараб бежирим турмаклаган ўрта ёшлардаги салобатли аёл ўрнидан туриши билан зал сув қуйгандек жимиб қолди.

— Сўз —жиноятчининг онаси Замира Аф. заловага берилади.

Ҳамма ҳаяжон билан олдинги ўриндиқлардан бирида ўтирган мункайиб қолган кампир томон қаради. Оналар шошилмай ўрнидан турди. Унинг лаблари тинимсиз титрар, нималарнидир пичирлар, ичдан қуйилиб келаётган юз-кўзларидаги терни қўлидаги рўмолча билан тез-тез артарди. У ҳарчанд гапиришга уринмасин, лекин тили айланмасди.

— Ҳаяжонланмасдан, ўзингизни босиб олиб гапиринг,— деган овози эшитилди раисанинг. Унинг овози энди ниҳоятда майин ва юмшоқ эди. Бу овозда юракка қандайдир далда берувчи илиқлик бор эди. Кампир чидаб туролмади. Бу самимийликдан кўнгли юмшаб, бирдан ўқириб юборди. Сўнг боши янада эгилиб кетган ўғлига узоқ термулиб қолди.

— Нима иш қилиб қўйдинг, ўғлим?— деди у йиғи аралаш. Ҳамма гурр этиб жиноятчига қаради. Ў одамлар нигоҳидан кўзларини олиб қочар, унга термулиб турган бу кўзлардан ўт чақнаб турганини зимдан ҳис этиб турарди. Қани энди, шундоққина у ўтирган ер ёрила қолса-ю, уни ўз бағрига олақолса. Ана ўшанда бу кўзлардан қочиб кутиларди у.

— Шумиди сендан умидим, орзу-истагим, —онанинг сўзи одамлар диққатини бўлди. — Қариганимда не кунларга қўйдинг. Қани энди эл-юртни деб урушда ўз жонини қурбон қилган ўғлим Каримжон тирик бўлса-ю, унинг ўрнига сен...

Бу нидо ўтирганлар қалбини парчалаб юборди. Она сўзи, нигоҳи тош юракни ҳам эритди. Қора курсидаги йигит инграб юборди. Одамлар кўз ўнгида унинг биринчи бор аламли йиғлаши эди бу. Энди она ўзини тутиб олганди. Бояги ҳаяжон ва титроқдан асар ҳам қолмаганди...

... Қодиржон ва Икромжонлар шундоққина девор-дармиён қўшнилар эди. Тақдирни қарангки, ҳар иккала йигитнинг оталари бир йилнинг ўзида кетма-кет вафот этишди. Қодиржоннинг акаси Каримжон эса Берлин учун бўлган сўнгги жангларда ҳалок бўлди. Оналар бева қолишди. Бир-бирларининг қайғу-ҳасратларига шерик бўлишди. Қўшнилар ўртасидаги меҳр-оқибат, узаро яқинлик янада кучайди. Икромжон ва Қодиржонлар ўртасида бир майиз тенг бўлинди.

Олдин Икромжон, сўнг Қодиржон ўрта мактабни тугатишди. Икромжон тўғри заводга ишга келди. Қадоқ қўлли устоз ҳамкасбларидан иш сирини ўрганди. Зийрак ва чаққон йигитча ҳадемай ҳаммасини эплаб кетди.

Қодиржон шофёрликка ўқиди. Курсни тугатиб автобазага ишга кирди. Кўп ўтмай кўп. чилик оғзига тушди. Номи қизил доскадан тушмай қолди.

Бир куни илғор шофёрларга мукофот топширилди. Шу баҳона мукофот «ювилди». Ўша куни бир-икки қадаҳ кўтарган Қодиржон ичкилик кайфидан сархуш бўлди. Енида ўтирган катта-кичик ҳамкасблари ширинсухан ва меҳрибон кўриниб кетди унинг кўзига. Айниқса, «битта»си. Унинг номини ҳозир Қодиржон тилга олгиси ҳам келмайди. Хуллас, ўша одам ичкилик бобида Қодиржонга устозлик қилди.

— Ҳой укам, кўкрагида ёлғи бор йигит ичади буни, — деди у.—Ишдан кейин музеккина «оқ тўрадан» бир-икки пиёласини сипқорганга нима етсин. Лекин, эсингдан чиқарма ука, икки кишига битта «новчаси» етади. Ками ozлик қилади. Ҳа, энди улфатинг зўр бўлса, ҳурмачангга қараб бироз оширсанг ҳам бўлади. Бора-бора «устоз ва шогирд» бир-бирларидан ажралмай қолишди. Қодиржон уйга кеч келадиган бўлиб қолди. Энди Икромжон ҳам кам кўришарди. Кўпинча у дам олиш кунлари ҳам саҳар туриб «устози» олдига жўнарди. Кейин чойхонада ошхўрлик, маишат...

Замира холанинг насиҳатлари кор қилмай қолди ўғлига. Бунинг устига ўғил онани жеркиб ташлайдиган бўлди. Орага қўшнилар тушди. Бир неча бор Икромжон гапирди.

— Тавба, бунча хўжайинларим кўпайиб қолди, —асабийлашди Қодиржон.— Худди мен уларнинг пулига ичаётгандек. Менга қара, сен ўзингни билсанг-чи. Нима қиласан менга ақл ўргатиб. Насиҳат қиладиган отам аллақачон ўлиб кетган.

Икромжон шундай вақтларда ҳам ўзини оғирликка оларди. Қодиржоннинг сурункасига ичиб келиши, бўлар-бўлмасга жанжал тўпалонлари сабаб қўшнилар орасидан оқибат кўтарила бошлади.

Дам олиш куни эди. Қодиржоннинг уйига эрталаб минг тавозе билан «устоз» кириб келди. Қадрли меҳмон қуюқ кутиб олинди. Тўрдаги қўша-қўша кўрпачалар устига таклиф қилинди. Меҳмоннинг хоҳиши, ўғилнинг буйруғи билан онаизор қайнатма шўрвага уннаб кетди.

— Ўғлим, —деди у таомни чинниларга сузишга тараддуд кўраркан,—Икромжон уйида. Чақириб чиққин. Ахир, кўп йиллик қадрдонлармиз, хафа бўлади.

Қодиржон дастлаб рўйхуш бермади. Лекин, Икромжон олдида бир ўзини «кўрсатиб қўйиш» ниятида кўпдан бери кирмай қўйган хонадонига қадам ранжида қилди. Унинг овозини эшитиб, ичкаридан Икромжон югуриб чиқди.

— Ҳа, дам олиш куни уйда қамалиб нима қилаяпсан? Уйга юр, меҳмон бор.

Икромжон розилик билдирди. Ахир қадрдон қўшни, ака-укадек одамнинг юзига оёқ тираб бўлармиди...

— Қани, йигит олинг, — деди меҳмон пиёлага ароқ қуйиб Икромжонга узатар экан.

— Раҳмат, мен ичмайман,—деди у пиёлани олмай.

— Ие, йигит кишиям ичмайдими?— тўнғиллади у.

Икромжон олмади. Қўли қайтгани учун меҳмон жуда хафа бўлди. Қодиржон асабийлашди. Ўтиришдан файз кетди. Меҳмон бир-икки бор «кетаман» деб қўзғалди. Уни зўрлаб ўтқазишди, жойига. Икромжон бироз ўтириб уни-буни баҳона қилди-да, чиқиб кетди.

— Аҳмоқ одам экан. Йигит кишиям шунақа бўладими, хотинларга ўхшаб...

«Устоз» кеч қўзғалди. Қодиржон уни кузатиб чиқди. Бўш келган таксига ўтқазди, ҳайрлашди. Уйга қайта туриб бояги воқеани эслади, бировнинг олдида шарманда қилди мени. Жўрттага қилди шу ишни. Обрўйимни тўкиш учун. Бўлмаса ўтиришга пашша туширгай, ичиб юборса ўлармиди бир пиёла ароқни. Ҳали гаплашиб қўяман у билан.

— Қодиржон!

Икромжоннинг бу овози унинг хаёлини бўлди.

— Холам меҳмон билан маст ҳолда чиқиб кетди. Хабар олгин деганларига сени қидириб кетаётгандим.

— Ким маст экан? Ҳе, ўша қидирадиганлардан ўлдим-у, мен.

«Мастда, билмай валдираяпти» ўзига тасалли берди Икромжон.

— Боравер, менинг ишим бор,— аксига олди Қодир. Зўрлаш, қистов ва ялинишлар кор қилмади унга. Сўзида туриб олди. У тиниминг сиз сўкинарди.

— Аҳмоқ экансан, —деди жаҳл билан Икромжон.

— Нима?

Қодир унга яқинлашди. Ердан чаққон тош олиб Икромжонни лунжи аралаш солди. У ўзини ўнглаб олгунча кетма-кет бошига тош келиб тушди. Икромжон йиқилиб қолди. Энди Қодиржон шер бўлиб кетганди. У бор кучини ишга солди. Ерда чўзилиб қолган дўстини тўхтовсиз тепиб урди. Кейин қаердандир кўлида пайдо бўлган сўйил билан бош-кўзи аралаш тушира кетди.

Эрталаб Икромжоннинг мурдасини ўша жойдан топишди. Қотил эса ўз оёғи билан милицияга борибди.

...— Мен ўзим гуноҳкорман, —онанинг жарангдор сўзидан Қодиржон ўзига келди, — уни ёлғиз дедим, ўз вақтида қайриб ололмадим. Энди одамлар юзига қандай қарайман.

Она ҳолсизланиб ўрнига ўтирди. Залда шивир-шивир бошланди. Суд раисаси ўтирганларни тартибга чақириб, жабрланувчи, марҳум Икромжоннинг онасига сўз берди. Кўзлари ичига сиқиқ кетган, жудолик азоби ва ташвишларидан бир ҳолатга келган яна бир онаизор зўр-базўр ўрнидан турди. Бироқ у қалтирамасди. Ўзини оғир-вазмин тутарди. Ёш тўкавериб қовжираган кўзлари билан ўтирганларга термилди. Сўнг нигоҳини ўғлининг қотилига тикди. Узоқ сўзсиз қолди.

— Мана шу қўлларим билан йўргаклаб, авайлаб катта қилган эдим, ўғлимни,— деди она дона-дона сўзлаб.—Унинг ҳам онаси умид билан ўстирган,— қотилга ишора қилди она. —Бироқ, у бечора ўғлини тириклигида азасини тутаяпти. Мен эса ўлган фарзандимни. Одил суд унинг қилмишига яраша жазо беришига ишонаман.

Қодир чидаб туролмади. Ёқасидан биров бўғиб тургандек эди. У ҳарсиллар, нафаси сиқиларди. Ниҳоят, ичдан босиб келган титроқ ташига чиқди. Ҳўнграб юборди. Судда охирги сўзни айтишдан бош тортди. Суд танаффус эълон қилиб, ҳукм чиқаришга кириб кетди.

М. КОМИЛЖОНОВ.

• Ажойиб насиҳатлар

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

Марҳум отам умрида ичиш ва чекиш нималигини билмай узоқ ҳаёт кечирди. Кунларининг бирида, янги йилни кутиш кечаси отамни хонамизга таклиф қилдим ва ширин суҳбатлашиб ўтирдик. Соат милларни ўн иккига яқинлашганда мен отамга:

—Янги йил шарафига озроқ ичамизми,— дея кулиб қараб қўйдим.

— Майли ичсак ичайлик, —дедилар у киши менга маъноли тикилиб.

Отамнинг жуда осонлик билан ичкилик ичишга розилик билдирганликларига ҳайрон эдим.

—Бир савол бераман, агар жавоб менн қаноатлантирса ичишга тайёрман, — дедилар. — Хўш, айтингчи ўғлим, ичкиликдан кейин киши ўзини қандай сезади?

Ўйланиб қолдим.

—Унутмангки, —дедилар отам чимирилиб, — ичкилик вазон-баданнн зўрлик билан қўзғатади ва сунъий кайф яратади. У кишида кўпинча манманлик, зўравонлик ва мақтанчоқлик кайфиятини тугдиради.

Кўр кўзини «очадиган дори»

Қадим замонда бир табиб шароб ичтиро қилиб подшоҳ ҳузурига йўл олибди..

— Мен шундай бир ажойиб дори яратдимки, у кўрнинг кўзини очади, шолнинг оёғини тузатади, гадони эса бой қилади.

Бу гапдан ҳайратланган подшоҳ ушбу ичтиро устида тажриба ўтказибди. Табиб танланган кишиларга бир пиёладан шароб ичирибди. Улар кайф қила бошлагандан кейин яна табиб шароб сузилган пиёлани кўр кўзига тутибди. Кўр киши пиёлани қўлида эҳтиёткорлик билан ушлаб:

— Бай-бай, рангинг бунча ҳам тоза ва гўзалсан, — деб шаробни тинимсиз мақтайверибди. Шунда замбилда икки оёғини қимирлата олмай ётган шол:

— Эй кўр, тезроқ пиёлани бўшат, ҳозир қорнингга бир тепиб аъзои-баданингни парчалаб ташлайман.

Кайфи ошган гадой эса:

— Эй шол, кўрни тезроқ тепиб ўлдир, унинг хунини ўзим тўлайман, —дебди.

Бу ҳодисани кузатиб турган сарой аҳиллари бирданига кулиб юборишибди. Подшоҳ кўрибдики, шароб кишида сунъий кўтаринкилик ва кайф пайдо қилиб, жанжал чиқаркан. Шундан кейин табибга шароб тайёрлаш сирини ҳеч кимга айтмасликни буюрибди. Табиб қуллуқ қилиб чиқаётганда подшоҳ унинг қулоғига шивирлаб:

—Бу шаробдан бизга ҳам бекитиқча келтириб туринг, ичиб турайлик, —дебди.

Кейинчалик шароб подшоҳ саройидан бошқа жойларга ҳам тарқалибди ва шу туфайли кўнгилсиз, фожиали воқеалар кўпайибди.

Тузоқ

Ўтмишда тоғ бағридаги водийда бўри ва тулки кўпайиб деҳқонларга катта зарар келтирибди. Доно кишиларнинг маслаҳатига кўра, деҳқонлар ҳайвонларга едириш учун шароб аралаштирилган овқатларни ишшларга солишиб, бир неча жойга қўйишибди. Шу кечаси кўплаб тулкилар овқатни ейишиб роса базм қилишибди ва бақиришиб бутун тоғ ҳайвонларини ўзларига тобе қилиш ҳаракатига тушибдилар. Улар аввало бўриларни жангга чақиришибди. Шу дарикада бўрилар етиб келишиб маст тулкиларни бир зумда тилкапора қилиб ташлашибди. Сўнгра бўриларнинг ўзлари ҳам ишшлардаги овқатлардан ейишиб, маст бўлиб қолганаб ётишибди. Шунда деҳқонлар келиб уларни қирғ ташлаган эканлар. Шу тарика жасоратли бўрилар ва ҳийлакор тулкилар ҳам осонгина йўқ қилинган экан.

Сазойи бўлган аскарлар

Тарихда ичкилик туфайли оила ва айрим кишиларнинг сирлари, ҳатто давлатнинг махфий ишлари ошкора бўлган. Ичкилик устидан ҳеч қандай назорат ўрнатилмаган бир амирликда енгилмас қўшинлар ҳам тор-мор этилган.

Аскарлар уни бемалол истеъмол қилиша берган. Айниқса, жанг олдидан аскарларга дадил бўлишлари учун кўпроқ шароб берилган. Бундан хабардор бўлган душман айғоқчиларн аскарларга бериладиган шаробга бекитиқча ухлатадиган дори солиб қўйганлар. Ўша дори солинган ичкиликдан қониб ичган қўшиннинг икки мингдик аскарлари бирин-кетин ухлаб қолаберган ва душман томонидан қириб ташланишига сал қолган.

Шундан кейин лашкарбошилар ичкиликни тақиқлаш чорасини излабдилар. Бу иши ҳаммага ибрат бўлиши учун бир куни душман устидан қозонилган ғалаба шарафига аскарларга зиёфат уюштирибди ва уларга хоҳлаганча ичишга рухсат берибди. Аскарлар шу даражада ичишибдики, уларнинг деярли ҳаммаси чўзилиб қолишибди. Лашкарбошининг кўрсатмасига биноан маст ҳолда бехуш ётган аскарларнинг ҳаммасини қип-яланғоч қилиб ечинтиришибди ва кийим-кечакларини ёндиришибди.

Эрта тонгда шаҳар аҳолиси бу аскарларни гоҳ кулги, гоҳ нафрат билан томоша қилишибди. Ҳар бир аскар ҳушига келганидан кейин ўз оиласи ҳузурига шаҳар бўйлаб ялангоч боришга мажбур бўлибди. Бу воқеа бутун амирликда ичкиликка нисбатан ғоятда кучли нафрат уйғотибди. Шу тарика шаробнинг оқибати ҳаммага намойиш қилиниб, ичкилик ичишни тақиқлаш ҳақида фармон чиқарилган. Шунга биноан, ичкиликни ичиб биринчи маротаба қўлга тушган кишиларни юз дарра уриш, бордн-ю, улар сурункасига ичса дорга осиш расм бўлибди.

—Мана кўрдингизми ўғлим,—дедилар отам ҳикояларини тугатиб, ичкилик кишн бошига битган бало. Шунинг учун мен ичкиликдан олинадиган сунъий кайфни ўзимга эп кўрмайман, ҳамма вақт табиий кайфга интиламан.

— Табиий кайф дегандя нимани тушунамиз, — деб сўрадим.

— Ота-она розилиги, ҳалол меҳнатнинг гашти, орзу-ҳавас ва режаларнинг амалга ошиши, фарзандларнинг қобиллиги, дўстларнинг муваффақиятлари, ўзгаларнинг мушкулини осон қилиш, яхши одамлар билан суҳбатлашиш, манзарали жойларни кўриш кишида чинакам завқ ва кайф уйғотади. Бу ўз навбатида саломатлик, тинч-тотувлик ва обрўни юзага келтиради.

Кўрдингизми ўғлим, шу боисдан мен ичкиликни оғзимга олган эмасман. Ана энди пиёладаги ичкиликни қайтариб шишага солиб қўйинг, —дедилар отам.

Мен худди шахматда мот бўлган кишидек сўзсиз у кишининг буйруқларини бажардим.

Ҳамид ЗИЯЕВ, профессор.

Билиб қўйган яхши

ДОРИ ЗАҲАРГА АЙЛАНМАСИН

Сир эмас, баъзи беморлар оғриқ қолдирадн, дея спиртли ичимлик ичишади. Баъзан эса санаторий, шифохоналарда даволанаётганларни кўрган келган «қадрдонлар» ўзлари билан «кўнгил хуши учун» спиртли ичимликлар кўтариб келишади. Шу сабаб улар пана-пастқам жойларда беморнинг соғлиги учун қадаҳ кўтаришади, даволанувчини ҳам ичишга мажбур қилишади.

Аввало шуни айтиш керакки, дорн-дармон қабул қилаётган кишн маълум вақтгача мутлақ спиртли ичимлик истеъмол қилмаслиги керак. Алкоголь дорнни организмга сингишини ўта уйғунлаштириб юборади. Масалан, оддий меъёрида қабул қилинадиган уйқу бағишловчи ёки хотиржамлантирувчи дорнннг кучи — алкоголь воситасида қарийб уч баробар ошиб кетишини айтиб ўтмоқ кифоя. Натижада, дорн қабул қилган кишининг қон босими пасайиб кетади, одам вазн мувозанатини йўқотади, кўзнинг илғаш хусусиятн ожизлашади, фаромушлик ортади. Шу сабабли кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқади ва баъзи ҳолларда оғир кўрнишдаги оқибатлар содир бўлади.


Алкоголь нафақат уйқу бағишловчи, транквилизатор дорн-дармонларнинг таъсир кучини оширибгина қолмасдан, балки оғриқ қолдирувчи, қуёнчиқ, тутқаноққа қарши, одам организмини мустаҳкамлайдиган дорн турларнинг фаолиятини ҳам бузади. Жумладан, тутқаноқ касаллигига ишлатиладиган дорн алкоголь билан аралашганда организмга ниҳоятда зарарли таъсир кўрсатади, беморнинг аҳволи ўнгланиши ўрнига баттар оғирлашади.

Алкоголь дорининг организм томонидан сўрилишини кучайтирибгина қолмай, балки дорн таркибнй қисмларни парчалаб юборадн. Демак, дорн деб ичилган нарса заҳарли омилга айланиш ҳеч гапмас.

Айрим дорн турларн мавжудки, улар спиртли ичимликлар билан бирикканда кишн организмни учун зарарини ошириб юборади, натижада бемор организмида сирка алдегидининг салмоғи кўтарилиб, оғир кўринишдаги заҳарланишга олиб келади. Бундай пайтларда бош оғриғи, кўнгил айниши, қусиш, юракнинг бежо уриши, хаприқиш, мия гангиши, қулоқ шанғиллаши, юрак атрофида оғриқ турнш каби ҳолатлар содир бўлади.

Кўриниб турибдики, даволанш даврида бемор дардига эм бўладиган дорн-дармонлардан фойдаланилганда мутлоқ спиртли ичимликлар ичилмаслиги керак. Чунки, юқорида таъкидланганимиздек, алкоголь дорн-дармонининг шифобахш табиатини бузиб, организм учун зарарли омилга айлантириб қўйиш мумкин.

М. НАБИЕВ,
доришунос.



ҲАЙБАТИЛЛО ИЧГАНДА

Шароб оғу, май заҳар,
Майдалаб ичсанг зарар.
Шиша билан кўтарар

Ҳайбатилло ичганда.
Ўзим зўру, ўзим зўр.
Қулоғим кар,
кўзим кўр.
Қани, яқинлашиб кўр

Ҳайбатилло ичганда!..
Шишалар
жаранг-журунг,
«Стеклотара»га
юрнинг.
Одамлар-ов, йўл беринг

Ҳайбатилло ичганда.
Нега айланиб толмас,
Бир кунгина дам
олмас,
Соатлар тўхтаб
қолмас?..

Ҳайбатилло ичганда.
Кўйлагимни станок
тортди, йиртилди
чок-чок.
Заҳа еди левий бок—
Ҳайбатилло ичганда.

... Жўнади уйни
чоғлаб,
Йиқилди тўрт оёқлаб.
Олапар келди
сўроқлаб —
Ҳайбатилло «учганда».

Муҳаммад ЮСУФ
шеъри;
Расмларни чизувчи —
Ўзбекистон ССР
халқ рассоми Лутфулла АБДУЛЛАЕВ.

ЯХШИ ХОТИРА

Аёллар ўз турмушларида бўлган воқеа-ҳодисаларни, тантанали кунларни хотирада жуда яхши сақлашади. Улар никоҳдан ўтган йил ва кунларини, болаларининг қайси йил ва қайси кунда туғилганини, тўй ўтказган пайтларини яхши эслаб қолишади. Бу ҳам аёлларнинг, ниҳоятда болажонлигидан, оилаига меҳр-муҳаббатидан далолат беради.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент вечерний окшоми

19 АПРЕЛЬ, 1985 й

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИГАН КУНЛАРДА СЕНКЕВИЧнинг «КРЕСТОНОСЦИ» КИТОБИГА АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ

19 ва 26 АПРЕЛДА —ҳар бир қабул пунктида 50 тадан абонемент тарқатилади.

21, 27 ва 28 АПРЕЛДА — ҳар бир қабул пунктида 250 тадан абонемент тарқатилади.

Абонемент фақат бир йўла камида 15 килограмм макулатура ёки 3 килограмм иккиламчи тўқимачилик материаллари (жун, ип-газлама латтаси) топширилганидан кейин берилади.

15 килограмм макулатура ёки 3 килограмм иккиламчи тўқимачилик материаллари топширган кишилар абонементда кўрсатилган китобни олиш ҳуқуқига эга бўладилар ва уларга Сенкевичнинг «Крестоносци» китобига фақат битта абонемент берилади.

Ўзбекистон ССР Моддий-техника давлат комитети ва Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети 1984 йил 13 февралда Сенкевичнинг «Крестоносци» китобига абонементларни аҳолига сотиш тартиби тасдиқланган.

АБОНЕМЕНТЛАР ЖУМА КУНИ СОАТ 18.00 ДАН БОШЛАБ, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 9.00 ДАН БОШЛАБ ТАРҚАТИЛАДИ.

Қолган кунларда эса макулатура абонементларга бериладиган маркалар тўла комплектини тўлдириш учун қабул қилинади ва макулатура ҳамда иккиламчи хом ашё чекланмаган миқдорда 52-01 сотиб олиш баҳолари прейскурантига биноан ҳақ тўлаб олинади: топширилган 1 килограмм макулатура учун 2 тийин, топширилган 1 килограмм жун латта учун 16 тийин ва топширилган 1 килограмм ип-газлама, лень ва қоп латталар учун 6 тийин.

Қабул пунктларининг иш тартиби: ҳар куни, жума кунидан ташқари — соат 9.00 дан 18.00 гача, танаффус — 13.00 дан 14.00 гача, жума куни 11.00 дан 20.00 гача, танаффус—14.00 дан 15.00 гача.

Душанба дам олиш куни.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА

МАКУЛАТУРА ВА ИККИЛАМЧИ ХОМ АШЁ ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

—макулатура фақат пачкаларга боғланган, турларга ажратилган: газеталар, китоб-журналлар, маиший картон ва ўраш қоғозлари алоҳида;

— иккиламчи тўқимачилик материаллари: жун ва жун аралашган, сукно ва камвол газламаларидан тайёрланган буюмларга тааллуқли, нафис, чала нафис ва дағал жундан, шунингдек бошқа толалар аралашган жундан тўқилган трикотаж ва ногазлама материаллардан тайёрланган латталар;

— ип-газлама, каноп, каноп аралашган, пахта ва бошқа толалар аралаштириб тўқилган газламалар, ногазлама ва трикотажли ип-газлама буюмлар латталари;

—Бошқа толалар аралаштириб лендан тўқилган газламалар ва ногазлама лень ва лень аралашган буюмлар латталари; чодир газламалар ва брезент, майда қопдан тайёрланган буюмлар латталари гражданларнинг турар-жойидан қатъий назар жонли тартиб йўли билан қабул қилинади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Макулатура ва иккиламчи тўқимачилик материалларини қабул пунктларига абонементлар олиш учун фаол топшириш китоб савдоси тармоқларига адабиётларни тезроқ олинишига хизмат қилади.

Абонементларни олиш масалалари бўйича маълумотларни билиш учун қуйидаги телефон орқали мурожаат этилсин: 48-04-93.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1985-86 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СИРТҚИ БЎЛИМГА:

рус, ўзбек қозоқ тилларидаги таълим группаларига —ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ;

ўзбек ва рус тилларидаги таълим группаларига — МАТЕМАТИКА, БИОЛОГИЯ, ГЕОГРАФИЯ, ТАРИХ, ЧИЗМАЧИЛИК ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ, ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ (мактабгача ёшдагилар), **ДЕФЕКОЛОГИЯ** (олигофренопедагогика), **МУЗИКА, УМУМТЕХНИКА ФАНЛАРИ ВА МЕҲНАТ, ПЕДАГОГИКА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ;**

рус тилидаги таълим группасига — ДЕФЕКТОЛОГИЯ (сурдопедагогика).

КЕЧКИ БЎЛИМГА:

ўзбек ва рус тилларидаги таълим группаларига — ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ, ТАРИХ, ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ (мактабгача ёшдагилар), **МУЗИКА, УМУМТЕХНИКА ФАНЛАРИ ВА МЕҲНАТ, ФИЗИКА, ПЕДАГОГИКА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ;**

ўзбек тилидаги таълим группасига — МАТЕМАТИКА, ЧИЗМАЧИЛИК ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ.

ИНСТИТУТНИНГ НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ

СИРТҚИ БЎЛИМГА:

рус ва ўзбек тилларидаги таълим группаларига — ПЕДАГОГИКА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ;

ўзбек тилидаги таълим группасига — ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, МАТЕМАТИКА, УМУМТЕХНИКА ФАНЛАРИ ВА МЕҲНАТ;

миллий мактабда рус тили ва адабиётн.

КЕЧКИ БЎЛИМГА:

рус тилидаги таълим группасига — РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ;

ўзбек ва рус тилларидаги таълим группаларига — ПЕДАГОГИКА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ.

Кечки ва сиртқи бўлимларга махсус, ўрта ҳунар-техника маълумотига эга бўлган ёки олий ўқув юртида танлаган ихтисоси бўйича ёки турдош ихтисос бўйича ишлаётган шахслар қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар қабул қилиш тўғрисида ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб тақдим этадилар: ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), институтга кириш учун характеристика (корхона ёки муассаса маъмурияти томонидан тасдиқланган), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлаётганлар учун, медицина справкаси (086 У формада), 6 дона фотосурат (3х4 см.)

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ, ТАРИХ — она тили ва адабиёт (оғзаки ва ёзма), **СССР тарихи** (оғзаки), **чет тили** (оғзаки);

МАТЕМАТИКА, УМУМТЕХНИКА ФАНЛАРИ ВА МЕҲНАТ — математика (оғзаки ва ёзма), **физика** (оғзаки), **она тили** ва адабиёт (ёзма).

БИОЛОГИЯ— биология (оғзаки), **физика** (оғзаки), **химия** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (оғзаки);

ГЕОГРАФИЯ— география (оғзаки), **математика** (оғзаки), **СССР тарихи** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (ёзма);

ЧИЗМАЧИЛИК ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ — чизмачилик, расм чизиш, математика (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (ёзма), **физика** (оғзаки);

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ — математика (оғзаки), **СССР тарихи** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (ёзма ва оғзаки);

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ (мактабгача ёшдагилар), **ДЕФЕКТОЛОГИЯ** (олигофренопедагогика ва сурдопедагогика)— **биология** (оғзаки), **СССР тарихи** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (ёзма ва оғзаки);

МУЗИКА — ихтисоси, она тили ва адабиёт (ёзма ва оғзаки) **СССР тарихи** (оғзаки);

МИЛЛИЙ МАКТАБЛАРДА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ — она тили ва адабиёт (оғзаки), **диктант, СССР тарихи, чет тили** (оғзаки).

Ўрта педагогик маълумотга ва камида бир йил педагогик иш стажига эга бўлган ўқитувчилар, тарбиячилар ва ишлаб чиқариш таълими мастерлари халқ маорифи (ҳунар-техника) органлари йўлланмаси бўйича кечки ёки сиртқи таълим бўлимларининг тегишли ихтисосларига (бошланғич таълим методикаси, педагогика ва психология (мактабгача ёшдагилар), чизмачилик ва тасвирий санъат, музика, умумтехника фанлари ва меҳнат) суҳбат натижалари асосида кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

АРИЗАЛАР 20 АПРЕЛДАН 20 МАЙГАЧА, УМУМИЙ АСОСЛАРДА ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАРДАН ЭСА — 20 АПРЕЛДАН 31 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1 июндан 20 июнгача ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: 700064, Тошкент шаҳри, 64-алоқа бўлими, Педагогика кўчаси, 103-уй, қабул комиссияси.

Филиал адреси: Навоий шаҳри, Мир кўчаси, 67-уй.

БЕШ МИНУТДА ЛАЗЗАТЛИ ТАОМ



БЕШ МИНУТДА ЛАЗЗАТЛИ ТАОМ — ҚАРТОШКА ПЮРЕСИ ТАЙЁР БЎЛАДИ.

Бунинг учун1:4 пропорцияси миқдорида сут ёки сув картошка унига қўшилади. Бундан ташқари таъбга яраша туз, мой (масаллиқ ҳажмига нисбатан 15 процент ҳажмда) солинади.

Суюқлик миқдорига қараб пюрени қуюқроқ ёки суюқроқ тайёрлаш мумкин.

КАРТОШКА УНИ 6 ОЙ ДАВОМИДА БЕМАЛОЛ САҚЛАНАДИ.

«ТАШПЛОДООВОЩ» БИРЛАШМАСИНИНГ БАРЧА МАГАЗИНЛАРИДА КАРТОШКА УНИ СОТИЛМОҚДА.

Баҳоси —1 килограмми 1 сўм 60 тийин.

«ТАШПЛОДООВОЩ» БИРЛАШМАСИ (телефон 55-98-29).

«ТАШХОЗТОРГ»нинг
5-«ТЕХНИКА ТУРМУШДА» МАҚТАБ-МАГАЗИНИ

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАКТАБ-МАГАЗИНГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.

БИТИРУВЧИЛАРГА КИЧИК СОТУВЧИ ИХТИСОСЛИГИ БЕРИЛАДИ ВА УЛАР «ТАШХОЗТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Битирганлар ишлаб турган жойларда бир йил ўтгандан кейин ўқишни Тошкент Совет савдоси техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимида давом эттиришлари мумкин.

Мактаб-магазинга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: маълумоти тўғрисида ҳужжат, паспорт, ҳарбий хизмат бўйича қайд этилганлик гувоҳномаси (йигитлар учун), 3 дона фотосурат (5х6 см.) турар жойидан справка, «Ташхозторг» директори номига ёзилган ариза.



Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 24-уй, кадрлар бўлими. Телефон 91-59-53.

«ТАШХОЗТОРГ».

ЭЛЕКТРОНИКА

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ

1986 йилги
электрон техника буюмлари учун
1985 ЙИЛ 1 МАЙГАЧА
ҚЎШИМЧА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Магазин адреси: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон 33-68-60.

ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ.

ТОВАРЛАР — ХАЛҚҚА!

БИНАФША, ЛАНДИШ, ЖАСМИННИНГ ХУШБЎЙ ВА МУАТТАР ИСЛАРИ **«КОЛОРИТ»** ОДЕКОЛОНИДА МУЖАССАМЛАШГАН!

Одеколоннинг баҳоси —2 сўм 50 тийин.



МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ МОСКВА «НОВАЯ ЗАРЯ» ПАРФЮМЕРИЯ ФАБРИКАСИ АНА ШУ МАҲСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

«СОЮЗПАРФЮМЕРПРОМ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИГА

СЛЕСАРЬ-ИИҒУВЧИЛАР, СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИЛАР, СЛЕСАРЬ-АСБОБСОЗЛАР, СЛЕСАРЬ-ЭЛЕКТРИКЛАР, ФРЕЗЕРЧИ, ПАЙВАНДЧИ, ҚИРҚУВЧИ, ШТАМПОВКАЧИ, ПРЕССЧИ, ИҒУВЧИ, ЧАРХЛОВЧИ, РАНДАЛОВЧИ, ГАЛЬВАНИК, ПОГРУЗЧИК ҲАЙДОВЧИСИ КЕРАК. Ишга қабул қилинганлар Владимир, Чаплигин (Минск области) **шаҳарлари ва тракторсозлик ҳамда қишлоқ хўжалик машинасозлиги тармоғидаги бошқа турдош корхоналарга бир йил-бир ярим йил муддатга касб ўрганиш ва малака ошириш учун юборилади ва қайтиб келиб Тошкент мотор заводига ишга жойлашадилар.**

1985-87 йилларда ётоқхоналар, кичик оилалар учун турар-жой бинолари ва социал-маданий-маиший хизмат объектлари фойдаланишга топширилади.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади, кичик оилаларга эса турар-жой биносидан хона ажратилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲАМЗА РАЙОНИ ТАШКИЛОТЛАРИГА

светофор объектлари қурилиши бўйича 3, 4, 5-разрядли **электромонтажчи ва йўл ишчилари.** Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли;

светофор сигнализацияларига хизмат кўрсатиш бўйича 3, 4, 5-разрядли **электромонтёрлар,** 1, 2, 3-класс **ҳайдовчилар,** ўтиш йўлларига белгилар суртиш бўйича **йўл ишчилари** ва металлар қирқиш бўйича 3, 4, 5-разрядли **слесарлар,** 5, 6-разрядли **пайвандчилар, бўяш агрегатлари машинистлари.** Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона, аҳолини ишга жойлаштириш бюросининг марказий пункти.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 19/IV да **Икки дил достони,** 20/IV да **Аида.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/IV да **Отелло,** 20/IV да **Зебуннисо.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Тошкентда биринчи марта Р. АКОПЯН иштирокида «Цирк, цирк, цирк!» программаси** (19.30).

КИНО

19 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТУТСИ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).

«АЗИЗ, ҚАДРДОН, СЕВИМЛИ, ТАНҲОГИНАМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-11-76).

«ҒАЛАБА»—**Санъат саройи** (катта зал, 17, 20.00; кичик зал 18.00; телефон 44-21-24), **Чайка** (17, 20.00; телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (17, 20.30,), **Нукус** (17, 20.00; телефон 46-47-74), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-11-59), **Ватан** (17, 2000).

21 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТУТСИ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).

«АЗИЗ, ҚАДРДОН, СЕВИМЛИ, ТАНҲОГИНАМ» —**Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-11-76).

«ҒАЛАБА»—**Санъат саройи** (катта зал, 11 14, 17, 20.00; кичик зал 12, 15, 18.00; телефон 44-21-24), **Чайка** (11, 14, 17, 20.00; телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (11, 12 14.30, 16, 18, 20, 21.30; телефон 35-24-92), **Восток** (11, 14, 17, 20.30), **Нукус** (11, 14 17, 20.00; телефон 46-47-74), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-11-59), **Ватан** (11, 14, 17, 20.00).

ДОИМИЙ ИШГА

бухгалтерлар, полиграфия ускуналарини созловчилар, автоэлектрик, электр пайвандчи, слесарь-сантехниклар, ишлаб чиқариш бинолариниг фаррошлари, электр погрузчик ҳайдовчиси

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41-уй, кадрлар бўлими.

МЕХАНИКА ҚУРИЛИШ ЗАВОДИГА
катта бухгалтер
КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш бюроси.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси коллективи редакция ходими М. Нуриддиновга онаси

Ҳуббинисо ФОЗИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Медицина саноатининг Бутуниттифоқ химия-технология илмий-тадқиқот институти (ВНИХТИМП) коллективи институтнинг кекса ходими, химия фанлари кандидати, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси,

Нурулла ИСМАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Химия институти коллективи катта илмий ходими Ю. Ҳамидовга онаси

Раҳбар АЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТВ

ЖУМА

19 АПРЕЛЬ

● МТ I

17.35 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Қийшиқ ойналар қироллиги». Бадиий фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.00 Арфа квартети чалади.
20.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси».
Кўп сериали телефильм премьераси. 10-фильм — «Бош йўналишда».
21.30 «Время».
22.05 «Биргалашиб куйлайлик, дўстлар».
23.40 «Дунё воқеалари».

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ҳаёт каби тирик».
18.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Ойбек. «Қизлар».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан.
20.15 «Экиш кундалиги».
20.30 «Ахборот».
20.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Жангларда янграган қўшиқлар».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
23.35 «Кино оламида».
23.45 Янгиликлар.

ШАНБА

20 АПРЕЛЬ
БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 10-фильм — «Бош йўналишда».
10.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.20 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телевизион конкурси.
12.10 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 31-армия ветеранларининг учрашуви.
13.30 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.00 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Икки сайёҳ созанда» (ГДР).
14.30 «Дунё воқеалари».
14.45 Коммунистик шанбалик кундалиги.
15.00 «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». «Бир бор танланган йўл». 3-фильм—«Етуклик».
16.00 Сиёсий шарҳловчи Г. В. Прянхин суҳбати.
16.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
17.30 Коммунистик шанбалик кундалиги.
17.45 «Московский» совхоз-комбинатининг академик хори ижро этади.
18.00 «Европага хавф — оламга хавф». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.05 «Цирк майдонида».
19.50 «Номингни унутма». Бадиий фильм «Мосфильм» ва «Иллюзион» (Польша).
21.30 «Время».
22.15 «Сменадан сўнг». С. Оржоникидзе номидаги «Москва ишлаб чиқариш бирлашмаси станоксозлик заводи»да Бутуниттифоқ Коммунистик шанбаликка бағишланган концерт.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 СВЕРДЛОВСК ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
10.50 «Тонгги почта».
11.10 Ҳужжатли фильмлар.
12.00 «Саёҳатчилар клуби».
13.00 «Болдино қўнғироғи».
13.20 «Инсон — замин соҳиби».
14.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Агар тошлар тилга кирганда». Музикали кўрсатув.
15.30 Поэзия. П. Богданов.
16.00 «Дебют». Молдавия ССР Давлат академик опера ва балет театрининг ёш солистлари.
16.30 «Балли, қизлар!»
18.10 Куба куйлари ва оҳанглари.
18.35 «Яйловларда ўтиб бораётган ёз». Телефильм.
18.45 «Мушукнинг уйи». Мульт. фильм.
19.00 «Ёзувчи ва замон». Ю. Ритхэу.
20.15 «Халқаро обзор».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — ГДР терма командалари. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
00.30 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Швеция — Финляндия терма командалари. 3-давр. ЧССРдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Дўстлик тароналари». Концерт.
11.00 «Саломат бўлинг». Физкультурачиларга маслаҳатлар.
11.15 «Инсон ва унинг иши». Кинопрограмма.
12.00 «Бугун — Ленинча Коммунистик шанбалик». Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-ремонт заводидан репортаж.
12.30 «Мусиқа жавони» (такрорий).
13.10 В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига. Эркин Воҳидов. «Буюк ҳаёт тонги».
13.40 Коммунистик шанбалик кундалиги.

* * *

18.30 Кўрсатувлар программаси.
18.35 Ўзбекистонда XIV Бутуниттифоқ болалар ва ўсмирлар музикаси ҳафталигининг очилиши.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 Шанбалик қатнашчиларн учун концерт.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Зарипов йигитлари». Цирк программаси.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Дарё орти, олис қишлоқда». Бадиий фильм.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
19 АПРЕЛЬ, 1984 й.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64690.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

Р— 05775.